

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИГАН АХБОРОТ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Хамиджон Джуракулов

Ўзбекистон Республикаси судъялар олий кенгаши ҳузуридаги

судъялар олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zendo.15353056>

Инсонпарвар, ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараёнининг тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, “Глобал ахборотлаштириш ва компььютерлаштириш асри”да инсоният ҳаётига оламшумул ихтиrolар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган компььютер жиноятчилиги каби улкан муаммолар ҳам кириб келмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар ушбу соҳалардан хабардорликни долзарб масалага айлантириди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ушбу масала юзасидан шундай фикр билдирган “Айни пайтда жаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёnlари тобора глобаллашиб, бу борадаги рақобат кучайиб бораётган, ахборот наинки товар, балки кучли мафкуравий қуролга айланётган шиддатли замонда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишда янги-янги вазифаларни олдимиизга кескин қилиб қўймоқда”¹

Шуниси эътиборлики, жиноий ниятларни амалга оширишда компььютер техникаси доим асосий обьект ва жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Маълумки, жамият ҳаётининг муайян соҳаси ривожланиши билан янги технологиялардан фойдаланишни ва яширинча ўз эҳтиёжларини қондиришни истовчилар пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, жиноий фаолиятнинг янги тури - ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жиноят ҳозирги босқичда анча юқори даражага чиқди. Масалан, Англия таҳлилий компанияси - ЛИТСнинг берган маълумотларига қараганда, 2022 йилда жаҳон иқтисодиётига компььютер жиноятлари туфайли етказилган зарар 132 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди (2021 йилда бу кўрсаткич 48 млрд. доллар эди), 2023 йилда компььютер жиноятларидан кўрилган иқтисодий-моддий зарар 411 млрд., 2024 йилда эса тахминан 687 млрд. АҚШ долларигача ўсади. Келтирилган статистик маълумотлар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан етказилаётган моддий зарар йил сайин кўпайиб бораётганидан далолат бермоқда. Гап шундаки, компььютер техникаси такомиллашиб боргани сайин у билан боғлиқ жиноятларнинг устомонлик билан содир этилиши кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида яқин вақтларгача компььютер жиноятчилиги факат хорижий ривожланган мамлакатларга хос ҳодиса деб ҳисобланиб келган ва жамиятимиз унча компььютерлашмагани боис, бундай жиноятлар мавжуд эмас эди. Бироқ айни вақтда юртимиздаги вазият бошқача. Одамлар, корхоналар, ташкилотлар ва давлат фаолиятининг деярли барча томонларига дахлдор бўлган жамиятнинг компььютерлашуви ижтимоий муносабатларнинг янги соҳасини юзага келтирди. Бу соҳа, афсуски, кўп ҳолларда ғайриқонуний қилмишлар обьектига айланмоқда. Хўжаликнинг турли тармоқларидағи ҳолат, шунингдек мамлакат мудофаа қобилиятининг обьектив инъикоси бўлган компььютер ахборот тизими ушбу тизимга улкан молиявий-моддий зарар етказиши мумкин

¹ Каримов И.А Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор ўқитувчилари ва талabalariiga, бутун жамоасига. 2005 йил 8 ноябр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари тўплами. Инсон унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий кадрят. Т14 Тошкент:Ўзбекистон, 2006. 52-бет.

бўлган жиной унсурларнинг рухсатсиз киришидан ҳуқуқий хавфсизликни таъминлаш воситаларига жуда муҳтож. Бу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги 2007 йил 30 ноябрь кунги қонунида компьютер тизимларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ хавфли қилмишлар жиноят деб белгиланди ҳамда амалдаги Жиноят кодекси “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” номли янги XX¹ боб билан тўлдирилди. Мазкур боб Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланган олтинчи бўлимга киритилди.

Болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот технологияларидан ғайриқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг қrimинализация қилиниши айни вақтда ахборот муносабатлари элементларига ҳам, жиноят қонунида тартибга солинадиган муносабатларга ҳам алоқадор бўлган тушунчаларнинг ҳуқуқий мазмуни ва моҳиятини тадқиқ этишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид янги бобнинг пайдо бўлганлиги, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг олдига ушбу турдаги жиноятларни очиш ва тергов қилиш вазифасини қўймоқда. Бошқа томондан, ахборот технологияси атрофидаги муносабатлар соҳаси яқингача техника соҳасидаги мутахассисларнинг иши ҳисобланарди. Шу боис аксарият юристлар ушбу соҳа терминлари ва тушунчаларини ҳамон етарли даражада билмайдилар.

Болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятларининг мамлакатимиз жиноят қонунига кириб келганлигига кўп бўлмаганлигини инобатга олсанк, ушбу жиноятларга қарши курашишда ва уларнинг олдини олишда хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан ҳисобланади. Юқоридаги фикрлар асносида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар масаласининг қай даражада акс этганлиги ва бу нормаларнинг чет мамлакатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларидан фарқли (ижобий ва салбий) жиҳатларини аниқлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементация қилиш, миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштирининг зарурлиги каби масалалар, ўйлаймизки, мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масаласи амалиётда кам учраганлиги боис республикамида етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур масаланинг фақатгина айрим жиҳатлари К.Р.Абдурасулова, Р.Қабулов, У.М.Мирзаев, А.К.Расулов, М.Х.Рустамбоев, М.Собиров, F.O.Эрматов² томонидан ўрганилган. Шунингдек, мазкур масала бўйича

² Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг маҳсус субъекти: Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2006. – 124 б.; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: Теория и практика.: Автореф. дис ... док. юрид. наук. Ташкент, 1997. – 47 с.; Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож килганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2009.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар: Маҳсус қисм. / Б.М.Мустафоев умумий таҳрири остида. Тошкент: ИЛМ ЗИЁ, 2006. – 912 б.; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқий курси. Т.5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Дасрлик. – Тошкент: ИЛМ ЗИЮ, 2011. – Б. 186-187.; Расулов А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореф. дисс ... кан. юрид. наук. Ташкент: 2006, - 27 с.; Собиров М. Использование криминологической информации, введенной в компьютер при разработке и осуществлении комплексных целевых профилактических программ. Лекция –

Д.С.Азаров, В.А.Андреев, Ю.М.Батурин, Б.В.Вехов, П.Б.Гудков, А.М.Жодзинский, В.С.Карпов, В.В.Крылов, А.Л.Осипенко, П.Н.Пак, Е.И.Панфилова, А.Н.Попов, С.Л.Сибиряков, А.В.Сорокин, В.П.Хорст, Роберт Девис, Скотт Хаткинсон, Девид Вол, Эдуард Вайз, Ж.Картер, Одри Пері³ каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Мазкур тадқиқотларнинг барчасида мавзу маълум доирада тадқиқ қилинган бўлиб, ахборот технологияси соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласига комплекс жиноий-хуқукий тавсиф ҳам умумий кўламда берилган. Шу муносабат билан ушбу масалаларни комплекс ўрганиш амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этиши билан бир қаторда, мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиш тарихини ўрганиш;
- болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятларни юридик таҳлил қилиш;
- айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигига белгиланган болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка оид нормаларни қиёсий таҳлил қилиш;
- минтақавий ва ҳалқаро ҳужжатларда болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизда хуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фундаментал асарлари, маъruzalari, инсонпарварлик рухи

Ташкент: Академия МВД РУз., 1996. – 8 с.; Эрматов Ф.О. Расмий ҳужжатларни калбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятни квалификация килиш масалалари: Монография. / Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. К.Р.Абдурасурова. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 53.

³ Азаров Д.С. Уголовная ответственность за преступления в сфере компьютерной информации. Афтореф. дисс. ... кан. юрид. наук. Киев: Институт государства и права им. В.М.Корецкого НАН Украины, 2002. – 16 с.; Андреев В.А., Пак П.Н., Хорст В.П. Расследование преступлений в сфере компьютерной информации. – М.: Юрлит Информ, 2001. – 152 с.; Батурина Ю.М., Жодзинский А.М. Компьютерная преступность и компьютерная безопасность. – М.: НОРМА, 1991. – 158 с.; Вехов В.Б. Компьютерные преступления: способы совершения и раскрытия / под общ. ред. акад. Смагоринского – М.: Право и Закон, 1996. – 182 с.; Вехов В. Б. Особенности расследования преступлений, совершаемых с использованием средств электронно-вычислительной техники: Учеб. – метод. пособие. – Волгоград: Перемена, 1998. – 72 с.; Гудков П.Б. Компьютерные преступления в сфере экономики. – М.: МИ МВД России, 1995.; Карпов В.С. Уголовная ответственность за преступления в сфере компьютерной информации. Автореф. дисс. ... кан. юрид. наук. – Красноярск, 2002. – 27 с.; Крылов В.В. Информационные компьютерные преступления. – М.: ИНФРА-М–НОРМА, 1997. – 276 с.; Осипенко А.Л. Борьба с преступностью в глобальных компьютерных сетях. – М.: Норма, 2004. – 431 с.; Панфилова Е.И., Попов А.Н. Компьютерные преступления: Серия “Современные стандарты в уголовном праве и уголовном процессе” / Науч. редактор проф. Б.В.Волженкин. СПб., 1998. 48 с.; Сибиряков С.Л. Криминологическая характеристика и профилактика компьютерных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 1999. – 27 с.; Сорокин А.В. Компьютерные преступления: уголовно-правовая характеристика, методика и практика раскрытия и расследования. – Курган, 1999. // http://www.zaural.ru/procur/my_page1.htm; Robert W.K. Davis, & Scott C. Hutchinson, *Computer Crime in Canada: An Introduction to Technological Crime and Related Legal Issues* (Toronto, Ont.: Carswell, 1997).; David S. Wall, *Maintaining Order and Law on The Internet* in David Wall, Ed. *Crime and The Internet* (London: Routledge, 2001).; Wise, Edward M. *United States: Computer Crimes and Other Crimes against Information Technology in the United States* in Sieber, Ulrich. ed., *Information Technology Crime: National Legislation, Jus Informationis European Series on Information Law v 6* (Kln: Carl Heymanns Verlag, 1994); Carter, IV, Arthur J. & Perry, Audrey “Computer Crimes” (2004) 41 Am. Crim. L. Rev. 313, [Lexis] at 1 citing the National Institute of Justice, U.S. Department of Justice, *Computer Crime: Criminal Justice Resource Manual 2* (1989).

билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэътироф этилган халқаро хуқуқ нормалари тадқиқотнинг илмий ўрганиш асосини ташкил этади.

Ушбу тадқиқот болалар саломатлигига зарар етказадиган ахборот билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликнинг назарий асосларини ривожлантиришга, жиноят қонунини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган.